

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДАШУЛЛОЕВА ГУЛНОЗА МУХАЙБИНОВНА**

**ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАХС ХУСУСИЯТИНИ**  
**ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК**  
**ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**  
**(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК:491.5:494.3

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии**

**Content of the abstract of doctoral dissertation on philology sciences**

<b>Адашуллоева Гулноза Мухайбиновна</b> Тоҷик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологияк таҳлили.....	3
<b>Адашуллоева Гулноза Мухайбиновна</b> Сравнительно-типологический анализ фразеологизмов таджикского и узбекского языков, выражающих личностные качества.....	25
<b>Adashulloeva Gulnoza Muhaybinovna</b> Comparative-typological analysis of phraseologisms of expressing personal qualities in Tajik and Uzbek languages.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДАШУЛЛОЕВА ГУЛНОЗА МУҲАЙБИНОВНА**

**ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАХС ХУСУСИЯТИНИ**  
**ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК**  
**ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**  
**(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Fil373 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Чориев Таваккал Равшанович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Шокиров Туғрал Сирожевич,**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Зокиров Мухторали Турдиалиевич,**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» март куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» мартдаги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Муҳиддинов М.Қ.,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Пардаев А.Б.,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Ҳамроев Ж.Ҳ.,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинарнинг раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тиллараро алоқаларнинг лингвокультурологик, этнолингвистик, психоллингвистик, прагматингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Бинобарин, дунё тилшунослик мактаблари ва оқимларида тил ходисалари, хусусан, фразеологизмларни қиёсий-типологик, систем-структур ҳамда шахс тавсифли парадигма асосида ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тожиқ тилшунослигида ҳам тилларнинг ўзаро алоқаларини, жумладан, фразеологизмларни бошқа тиллар материаллари билан қиёслаб тадқиқ этишда замонавий методологик тамойиллардан фойдаланиш умумлаштириш, уларнинг лингвистик табиати ва нутқдаги мақоми юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳон тилшунослигининг фразеологизмларни халқнинг дунё ҳақидаги тасавурлари, миллий менталитети, тарихи ва маданиятинининг лисоний жамланмаси сифатида текширувчи тадқиқот методларига таянган ҳолда тожиқ ва ўзбек тилларидаги шахс тавсифли фразеологизмларнинг хусусиятларини ҳар иккала тил муқобил ва ўзига хос хусусиятларининг ички қонуниятлари асосида қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш мавзунинг замонавий тилшунослик учун аҳамиятини белгилайди.

Мустақиллик йилларида миллий тилшунослигимизда бошқа тилларнинг грамматик қурилиши ҳамда лексик-семантик хусусиятларини қиёсий ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бу борада, айниқса, ўзбек-инглиз, ўзбек-рус тилларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш борасида эришилган натижаларни алоҳида қайд этиш жоиз. Шу нуқтаи назардан минглаб йиллар мобайнида ёнма-ён яшаб келаётган қардош тожиқ ва ўзбек тилларининг турли сатҳларини қиёсий ўрганиш, жумладан, шахс тавсифли фразеологизмларнинг қиёсий-типологик қонуниятларини очиб бериш ниҳоятда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “... ижтимоий соҳани, жумладан, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантириш лозимлиги”<sup>1</sup> алоҳида таъкидланган. Бу борада тожиқ ва ўзбек тилларига хос фразеологик бирликларнинг муқобил кўринишларини аниқлаб, уларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, бир-бирига яқин, ўхшаш фразеологизмларнинг лингвистик хусусиятларини янги методологик тамойил ва замонавий тадқиқ усуллари билан очиб бериш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фразеология назарияси ривожда Е.Поливанов, Л.Булаховский, Ш.Балли, В.Виноградовлар<sup>1</sup>, туркийшуносликда С.Муратов, С.Кенесбаев каби тилшуносларнинг алоҳида хизматлари бор<sup>2</sup>. Тожик тилшунослигида Р.Ғаффоров, М.Фозилов, С.Хушенова, А.Мўъминов, Р.Эгамбердиев, Ҳ.Мажидов, А.Воҳидов, Т.Чориевларнинг монографик тадқиқотлари яратилди<sup>3</sup>. Ўзбек фразеологиясининг назарий масалалари бўйича эса қатор тилшуносларнинг асарлари майдонга келди<sup>4</sup>. Икки тил фразеологизмлари материаллари тадқиқини А.К.Боровков, К.Юсупов, Ҳ.Ғуломов, Х.Турсунова, М.Мирзаев, М.Сиддиқова, А.Зоҳидов, М.Зокиров сингари олимлар илмий ишларида кўриш мумкин. Х.Турсунова тожик ва ўзбек тиллари фразеологик параллеллигининг чоғиштирма таҳлилини С.Айнийнинг “Қуллар” ва “Ғуломон” романи

<sup>1</sup>Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. – Л., 1928; Булаховский Л.А.Русский литературный язык первой половины XIX века. – М.: Учпедгиз, 1934; Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. – М.: Изд-во Иностранной литературы, 1961; Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. – М.: Наука, 1977.

<sup>2</sup>Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – М., 1961; Кенесбаев С.К. Функционирование заимствованных особенностей фразеологических единиц в казахском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 2008;

<sup>3</sup>Ғафаров Р. Язык и стиль Рахима Джалила (на материале романа «Пулат и Гульру»): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – С., 1964; Фозилов М. Фарҳанги ибораҳои рехта. Иборат аз ду чилд. – Д., 1963-1964; Хушенова С.В. Изящные фразеологические единицы таджикского языка.– Д., 1967; Мўъминов А. Полисемия ва фразеология. – Д., 1971; Игамбердиев Р. Художественно-стилистическая роль фразеологизмов в «Бадаи-ал-вакаи» Зайниддина Восифи.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Д., 1975; Мачидов Х. Фразеологияи забони ҳозираи тоҷик. – Д., 1982; Чориев Т.Р. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – С., 2001.

<sup>4</sup>Рахматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1952; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1953; Салямков Г. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологический аспекты): – Дис. ...канд. филол. наук. – Т., 1964; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 1993; Маматов А.Э Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Т., 1991; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2000; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1976; Рафиев А. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг структурал-функционал хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Т., 1982; Сиддиқова М. Ўзбек ва тожик тилларида муштарак иборалар. – С., 1971; Ҳақимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипиди фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1994; Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – С., 2001; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008; Вафоёва М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2009; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Фарғона, 2017.

материаллари мисолида кўрсатган эди. Аммо ҳозирга қадар тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили монографик йўсинда маҳсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат университети тожик тили ва адабиёти кафедрасида олиб борилаётган "Тожик тили лексикологияси ва лексикографияси" мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тожик ва ўзбек тилларининг фразеология сатҳидаги ўзаро таъсирини аниқлаш, тожик ва ўзбек тилларидаги шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг грамматик ва семантик тавсифини амалга ошириш асосларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилларнинг ўзаро алоқалари ҳамда фразеология соҳаларида сўнгги йилларда эришган ютуқларини кўздан кечириш;

тожик ва ўзбек фразеологиясида фразеологик бирликларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш муаммоларини белгилаш;

шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг ўзига хос табиатини очиб бериш ҳамда бундай фразеологик бирликларнинг тожик ва ўзбек тилларининг фразеологик тизимидаги ўрнини кўрсатиш;

тожик ва ўзбек тилларидаги шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг структурал ва грамматик хусусиятларини очиб бериш;

шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ҳар иккала тил бадиий нутқ матнларида қўлланиш усулларини ёритиш;

тожик ва ўзбек тиллари материаллари асосида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлардан бадиий нутқда фойдаланишнинг миллий ўзига хослиги ва унинг таржимада акс этиши муаммоларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирги тожик ва ўзбек адабий тилларидаги фразеологик бирликлар танланган.

**Тадқиқот предмети** тожик ва ўзбек тиллари мисолида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлардаги ўзаро яқинлик ва ўхшашлик ҳолатларини аниқлаш, фразеологик интерференциянинг моҳиятини очиб беришдан иборатдир.

**Тадқиқот усуллари.** Мавзуни ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, чоғиштириш, зидлаш, трансформацион таҳлил, умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги луғавий ҳамда фразеологик интерференцияда фразеологик бирликлар шаклининг мураккаблиги ва давомийлиги, семантиканинг бутунлиги, структурасининг ўзгармаслиги каби фарқли белгилари очиб берилган;

тожик ва ўзбек тилларининг фразеологик сатҳидаги компонент ўзаро таъсири, бир-бирига яқинлиги, структур-грамматик фарқлари қиёсий-типологик ва назарий жиҳатдан асослаб берилган;

тожик ва ўзбек тилларидаги шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг структурал – грамматик, синонимик, антонимик, вариантдошлик, омонимик хусусиятлари лингвостилистик ва лингвопрагматик планда ёритиб берилган;

тожик ва ўзбек тилларидаги бадиий матнда шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлардан фойдаланиш усуллари ҳамда бундай фразеологик бирликларни таржима қилишнинг коммуникатив-прагматик асослари очиб берилган;

шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларни таржима қилишдаги грамматик ва семантик нуқсонлари аниқланиб, уларни бартараф этишнинг лингвостилистик, лингвофразеологик ва лексик – семантик йўллари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тожик ва ўзбек адабий тилларида фразеологик меъёр муаммоларининг аниқ белгиланиши учун муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади;

мазкур тадқиқот материалларидан тожик ва ўзбек фразеологияси бўйича ўқув қўлланмалари, ихтисослик курслари яратишда кенг фойдаланиш мумкин;

тадқиқотда ишлаб чиқилган шахс хислатли фразеологик бирликларни таржима қилиш тамойиллари мамлакатимизда бадиий таржима сифатини янада яхшилаш учун муҳим манба вазифасини бажаради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлил материаллари икки тил табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти унда тожик ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг трансформацион таҳлили асосида тадқиқ этилганлигида намоён бўлиб, тилшунослик назарияси, лексикология, фразеологияга оид тил бирликларини тавсиф ва тасниф қилиш ҳамда чоғиштириш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги тил бирлиги бўлган фразеологизмларни чоғиштиришга доир қарашлардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, ҳозирги тожик адабий тили, ҳозирги ўзбек адабий тили, тилларнинг чоғиштира грамматикаси каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар, икки тилли фразеологик луғатлар яратишда, илмий ва бадиий таржима билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тожик ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларни чоғиштирган ҳолда тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқот давомида илмий асосланган шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларни тожик ва ўзбек тиллари материаллари асосида қиёслаш, уларнинг семантик хусусиятлари ҳамда бадиий нутқда қўлланиши, миллий ўзига хосликнинг таржимада акс этиш жараёнидаги ўхшашлик ва фарқларни



аниқлашда Ф-1-06-рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналарининг синтези” (2012-2016 йй.) фундаментал илмий лойиҳасининг “Адабий анъаналар, таржима ва адабий таъсир масалалари” қисмини тўлдиришда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги ФТА-02.11/1190-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида икки тилга хос фразеологик бирликлар маънолари ўртасидаги ўхшаш ва тафовутли томонлар аниқланган, уларнинг шахс хусусиятини ифодаловчи маънолари аниқлаштирилган, изоҳлари мукаммаллаштирилган;

тадқиқотда илмий асосланган фразеологик бирликлардан бадиий нутқда фойдаланишнинг миллий ўзига хослиги ва унинг таржимада акс эттириш йўлларида ОТ-Ф8-027 рақамли “Кўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008-2011йй.) фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган.(Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 89-03-786-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланиши натижасида тожик ва ўзбек тилларидаги шахс тавсифли фразеологик бирликларнинг ўзаро яқин, ўхшаш ва фарқли миллий жиҳатлари аниқланиб, уларни таржимада бериш муаммолари ечими ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали томонидан 2017 йилда эфирга узатилган “Рангинкамон” туркумидаги кўрсатувларини тайёрлашда шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг тилнинг эстетик вазифасини кучайтириш ҳамда бадиий услубни бойитишдаги ўрнини аниқлаш бўйича эришилган натижалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O’zbekiston» телеканали ДУКнинг 2017 йил 21 декабрдаги 02-12-2136-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг қўлланилиши кўрсатувларнинг қизиқарли ва оммабоп бўлишини таъминлашга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та республика конференциясида, 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **“Тожиқ ва ўзбек тиллари фразеологияси ҳамда фразеологизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш муаммолари”** деб номланган бўлиб, икки фаслдан ташкил топган. Унинг **“Тожиқ ва ўзбек тиллари фразеологиясининг сўнгги йиллардаги ютуқлари ҳақида”** номли биринчи фаслида жаҳон тилшунослигида, жумладан, тожиқ ва ўзбек тилшунослигида амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинган. В.Виноградовнинг фундаментал тадқиқотлари Е.Поливанов, Н.Шанский, А.Кунин, В.Жуков, Е.Малиновский ва бошқалар томонидан давом эттирилиб, ибораларнинг ҳосил бўлиш йўллари, фразеологик маъно табиати, фраземаларнинг ўзаро синонимик, антонимик, вариантдошлик, омонимик хусусиятлари, фразеологизмларнинг морфологик структураси, гап таркибидаги синтактик вазифаси, фразеологизмларнинг қиёсий, структурал-типологик таҳлили, байналмилал фразеология масалалари, бадиий ва публицистик услуб фразеологияси, фраземаларнинг коммуникатив-прагматик тадқиқи, фразеология ва фразеографиянинг шаклланиш тарихи бўйича қатор ишлар амалга оширилди<sup>1</sup>.

Тожиқ фразеологиясининг кейинги ярим аср мобайнида эришган ютуқлари А.Мирзоевнинг С.Насафий ва К.Биной асарларидаги турғун бирикмалар, Р.Ғаффаровнинг Р.Жалил асарлари тили ва услуби, И.Ҳасановнинг Ж.Икромий романлари лексикаси ва фразеологияси, С.Хушенованинг изофали фразеологик бирликлар, Р.Эгамбердиевнинг З.Восифий **“Бадоеъ-ул-вақоеъ”** асарида фразеологизмларининг бадиий-услубий роли, Х.Мажидовнинг тожиқ тили фразеологияси, Н.Жўраевнинг фразеологик бирликлар тожиқ тилининг тасвирий воситалари, Т.Чориевнинг С.Айний публицистик асарлари тили ва услуби, А.Зоҳидовнинг ҳозирги тожиқ тилида сўзлашув лексикасига бағишланган ишлари тожиқ тили фразеологияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги билан белгиланади. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлардан Қ.Ҳакимовнинг фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги, Ш.Раҳматуллаевнинг феъл фраземаларнинг боғлашуви, Абдимурод Маматовнинг фразеологик меъёр муаммолари, Абдуғафур Маматовнинг фразеологиянинг назарий асослари, Б.Йўлдошевнинг фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятлари, К.Бозорбоевнинг сўзлашув нутқи фразеологизмлари, Ш.Алмаматованинг фраземаларнинг компонент таҳлили, М.Вафоеванинг фразеологик синонимлар, Ш.Ғаниеванинг фразеологизмларни шаклий ва мазмуний моделлаштиришга бағишланган тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг ривожига маълум

---

<sup>1</sup>Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. – М.: Наука, 1977; Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. – Л., 1928; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1985; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986; Жуков В.П. Русская фразеология. – М.: Высшая школа, 1986; Мокиенко В.М. Славянская фразеология. – М.: Высшая школа, 1989; Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологической теории в XX веке. – С., 2007.

даражада хисса бўлиб қўшилди. Ўзбек фразеологиясининг тадқиқида: фразеологик бирликларнинг структурал типлари, уларнинг шаклланиши борасидаги қарашлар ҳамда ифода тасвир воситалари доирасидаги ўрнини аниқлаш масалалари етакчи ўринда эканлиги аниқланди.

Бобнинг ”Тожик ва ўзбек тилидаги фразеологизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш зарурияти ва муаммолари” деб номланган иккинчи қисмида фразеологизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш масалалари, жаҳон тилшунослигида, жумладан, тожик ва ўзбек тилшунослигида бу борада олиб борилган тадқиқотларга муносабат билдирилган. Тожик тилшунослигида М.Азимова ва С.Авезоваларнинг тадқиқотларида тожик тили фразеологизмларининг бошқа тилдаги фразеологизмлардан фарқли ва ўхшаш томонлари юзасидан фикрлар билдирилган<sup>1</sup>. Ўзбек тилшунослигида эса Ш.Усмонова, М.Холиқова, Ш.Абдуллаевлар томонидан амалга оширилган<sup>2</sup>.

Тожик тилининг ўзбекча ёки аксинча, ўзбек тилининг тожикча сўз ва иборалар билан бойиши бу икки халқ ўртасидаги жуда узоқ муддат давом этган интерэтник, лисоний-маданий алоқалар ва ягона цивилизацион-маданий жўғрофияда бирга яшаш якунидир. Тожик тилшунослигида тожик-ўзбек тилларидаги фразеологик параллеллар, ўхшашлик, муқобил вариантларнинг ҳосил бўлиш омиллари юзасидан М.Сиддиқова муштарак ибораларнинг семантик хусусиятларини, жумладан, ҳар икки тил учун муштарак бўлиб қолган иборалар сифатида бадий асарлардан қуйидагиларга мос мисоллар келтиради: *икки қўлни бурнига тиқмоқ//ду даст дар бини шудан, пичоқ бориб суякка етмоқ//корд ба устухон расидан*<sup>3</sup> кабилар. Х.Турсунова С.Айнийнинг “Ғулумон” (“Қуллар”) романи асосида тожик ва ўзбек тиллари фразеологик параллелларни тадқиқ этар экан, *садқаи сар, амри маъруф қилмоқ, оқ уйли қилмоқ* сингари бир қанча ўзлашма фразеологизмларнинг ҳар икки тилда бир хилда қўлланиш хусусиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлаган эди<sup>4</sup>. Шунингдек, ишда Х.Ғулумовнинг “Ўзбекско-таджикские языковые связи” монографиясида ҳамда СамДУ тожик тили ва адабиёти кафедрасининг “Тожик фразеологияси масалалари” номли илмий тўпламида эълон қилинган илмий мақолалари ҳамда М.Туробованинг ўзбек шевалари фразеологияси, М.Эшнӣёзовларнинг эса тожик шевалари фразеологиясига бағишланган тадқиқотларига муносабат билдирилган<sup>5</sup>.

Ишнинг мазкур қисмида фразеологик калька, унинг луғавий калька билан муносабати, ярим фразеологик калька, тожик ва ўзбек тиллари фразеологик тизимидаги ўз қатлам ва ўзлашма фразеологик қатлам сингари долзарб

<sup>1</sup>Азимова М.Н. Анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Д., 1980; Авезова Б.С. Сопоставительный анализ фразеологии таджикского языка и хинди (на материале бинарных именных и глагольных фразеологизмов): Дис. ... канд. филол. наук. – Д., 1995.

<sup>2</sup>Усмонова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспекти. – Т., 2015; Халиқова М.И. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1991; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2006.

<sup>3</sup>Сиддиқова М. Ўзбек ва тожик тилларида муштарак иборалар ҳақида. – С., 1971.

<sup>4</sup>Турсунова Х. Тадқиқи муқоисавий фразеологизмҳои параллели забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ. – Д.: Дониш, 1979.

<sup>5</sup>Туробова М. Ўзбек шевалари фразеологияси//Ўзбек халқ шевалари лексикаси. – Т.: Фан, 1991; Эшнӣёзов М. Диалектологияи тоҷик. Лексикаи шеваҳои тоҷикӣ (қисми дуюм). – Д.: Дониш, 1979.

муаммолар янги далилий материаллар асосида таҳлил этилди ҳамда ушбу хулосаларга келинди:

– тожик ва ўзбек лексикаси муаммолари тилшуносликда маълум даражада тадқиқ этилган. Аммо тожик ва ўзбек тиллари фразеологиясининг ўзаро муштараклиги, бу соҳадаги айрим интерференция ҳолатлари янги материаллар асосида чуқур илмий таҳлил этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири саналади;

– кейинги ярим аср мобайнида ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни структурал-грамматик, семантик-услубий ва функционал-прагматик, қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқлари қўлга киритилган, бир қатор янги монографиялар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар, фразеологик луғатлар яратилган, бир неча номзодлик ҳамда докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган;

– тожик тилшунослигида эса тарихий ва замонавий асарларда қўлланган фразеологизмлар таҳлили, уларнинг сўзлашув нутқидаги ўрни, грамматик ҳамда тасвирий восита сифатидаги услубий хусусиятлари кабиларга бағишланган монографик тадқиқот ва ўқув қўлланмалар яратилган;

– икки тил фразеологиясида ҳали чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар ҳам анчагина. Шулардан бири ўзлашма фразеологизмлар муаммосини тадқиқ этишдир. Шу кунга қадар тожик тилшунослигида бунга оид бир нечта монографик тадқиқот яратилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмлар масаласи бўйича айрим мақолалар яратилган, холос. Аммо фразеологик калька, унинг луғавий калька билан муносабати, ярим фразеологик калька, ҳар иккала тилга хос фразеологик тизимидаги ўз қатлам ва байналмилал фразеологик қатлам сингари долзарб муаммолар янги далилий материаллар асосида тадқиқ этилиши лозим.

Ишнинг иккинчи боби **“Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг структурал–грамматик ва семантик хусусиятлари”** деб номланиб, унинг биринчи қисми **“Шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг структурал–грамматик хусусиятлари”**да матнга фақат тил системаси элементларининг нутққа кўчирилиши жараёни маҳсули, инсоннинг мулоқоти жараёнида унинг билим ва тафаккурини кўрсатиб берувчи ментал курилма сифатида қаралиши сабаблари тўғрисида фикр юритилган. Фразеологизмларнинг ўзига хос структуравий хусусиятларидан бири, уларнинг таркибида тўла шакл билан бир қаторда қисқартирилган шаклларнинг ҳам мавжудлигидир. Улар таркибининг қисқартирилиши эса нутқ воситаларини тежаш билан изоҳланади. Алоҳида ҳоллардагина, грамматик шакллар вариациялари қўлланилиб, у ҳам алоҳида фразеологизмлар таркибида учраши мумкин. Фразеологизмлар компонент таркиби грамматик ўхшашлик ҳисобга олинган ҳолда куйидаги фразеологик бирликлар турлари учрайди: сифат билан от; отнинг бош келишик ва қаратқич келишикдаги шакли; *фeълнинг от билан биргаликдаги шакли; фeълнинг равишдош билан биргаликдаги шакли; равишдошнинг от билан биргаликдаги шакли; равишга хос бўлган фразеологизмлар;*

Равишлар каби бундай фразеологизмлар истак майли, ҳиссиётларни билдириб, алоҳида бўлинмаган гап шаклларида намоён бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, фразеологизмлар феъл таснифига эга ҳолатда, ўз семантикаси таркибидаги ўзгариш оқибатида ўтган замон шаклида ифодаланadi. Шахсни ифодаловчи шакллар қўлланилиши борасида паст даражадаги фаоликка эга бўлган, феъл гапларининг янги шаклини куйидаги шаклларга ажратиш мумкин: а)бирлик ёки кўпликдаги 1-шахс шаклида белгиланган фразеологизмлар; б)бирликнинг 2-шахси шаклида тилга олинадиган умумий–шахсий мазмунга эга фразеологизмлар; в)мазмун-моҳиятига кўра фақатгина 3–шахсда қўлланиладиган феъл фразеологизмлар.

Тадқиқ этилаётган фразеологик бирликларнинг учта фаол асосий турини қиёсланаётган тилларга хос материал асосида куйидаги гуруҳларга ажратишни маъкул топдик: 1.От (субстантив) фразеологик бирликлар (*дарди шиқ//муҳаббат дарди, бозичаи даст//қўл ўйинчоги*). 2.Феъл фразеологик бирликлар (*гўш додан//қулоқ солмоқ, паст задан//пастга урмоқ*). 3.Гап тузилмасига эга адъектив фразеологик бирликлар (*ташна дар хобаш об мебинад//чанқаган одам тушида ҳам сувни кўради, хонаи касе сўхтан//кимнингдир уйи куймоқ* ва б.)

Мазкур бобнинг иккинчи қисми “Шахс хусусиятини ифодаловчи ўз ва ўзлашма ибораларнинг семантик хусусиятлари” деб номланади. Ҳар бир тил, асосан, ўз луғат таркиби ва грамматик қурилиши негизида ички тараққиёт қонунлари асосида ўсиб, такомиллашиб боради. Тожик ва ўзбек тилларида бир хил маъноли жуда кўп фразеологизмлар мавжудки, уларнинг қайси тилдан қайсисига ўзлашганини аниқ айтиш қийин: *қандай шамол учирди//кадом шамол парронд, боши тошдан бўлсин//араи аз санг шавад, гап сотмоқ//гап фуруҳтан* ва б. Адиблар асарларида ўз қатламга мансуб иборалар билан бир қаторда ўзлашма иборалар қўллашга эътибор билан ёндашганлар. Биргина А.Қодирий ижодида “*Америка кашф этмоқ*”, “*гарданига олмоқ*”, “*даромадга яраша буромад*” сингари йигирмага яқин ўзлашма иборалар қўлланган. Ўзлашма ибораларнинг тилда вужудга келиши узлуксиз жараён бўлиб, тилнинг тараққиёти, шу тил эгаларининг бошқа халқлар иқтисодий, маданий-маърифий алоқалари билан узвий боғлиқдир.

Ўзлашма фразеологизмларнинг тилда вужудга келиши, асосан, фразеологик калька маҳсулидир. Тилшуносликда “калька”, “фразеологик калька” тушунчалари ҳозирги кунга қадар турлича изоҳланмоқда<sup>1</sup>. Адиблар ўз асарларида ўзлашма фразеологизмлар таркибини янгилашга интиладилар. Бу эса иборанинг таъсирчанлик қувватини янада оширишга хизмат қилади. Масалан, адабий тилда хурсандлик, шод-хуррам бўлиб, ялло қилиб юриш маъносини билдириш учун “*дўпписини яримта қилиб*”, “*дўпписи осмонда*” иборалари қўлланилади [ЎТФЛ, 79].

<sup>1</sup>Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1961. – С. 70; Нурмухамедова Д.У. О лексическом и фразеологическом калькировании// Лингвистический сборник. – Т.: Фан, 1971. – С.114-116; Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XIX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот материаллари асосида).–Т.: Фан, 1986.– Б. 53-56; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 181; ЎТИЛ 2-жилд. – Б. 303.

Фразеологик калька дейилганда бошқа тилдаги иборани ўз тилига сўзма-сўз таржима қилиш тушунилади<sup>1</sup>. А.К.Боровков тожик ва ўзбек тилларининг ўзаро таъсири муаммоларини ўрганар экан, қуйидаги ибораларни икки тилда ҳам аниқ “таржима”си бўлган калькалар деб ҳисоблаган эди: *гўш андохтан //қулоқ солмоқ*; *даст мондан//қўл қўймоқ*; *гап бофтан//гап тўқимоқ ва б.*<sup>2</sup>

Бобнинг “Шахс хусусиятини ифодаловчи ибораларнинг семантик майдони” деб номлаган учинчи фаслида шахс хусусиятини ифодаловчи иборалар семантик майдони ҳақида фикр юритилган. Тожик ва ўзбек тиллари шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлари таҳлилида инсон ҳиссиётларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган таснифидан келиб чиққан ҳолда инсон руҳий фаолияти унинг турли мураккаб ва кўп қиррали ҳиссиётларида намоён бўлиши маълум бўлди. “Онг объектив борликни ўзида акс этиришида инсоннинг ўзига хос бўлган руҳий ҳолатларини, унинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини реал ва тезкор усулда ифодалаш хоссасига эга”<sup>3</sup>. Бунда инсон билим олиш жараёнлари (ҳиссиётлар, қабул қилиш, фикрлаш, тасаввур), иродавий ва эмоционал жараёнлар, ҳамда шахснинг турли руҳий хусусиятлари (тавсифий ҳиссиётлар, ирода, тафаккур ва фикрлаш сифати), инсон руҳий ҳолати сингарилар билан боғлиқ ҳиссиётлар юзага келади.

Психология, этика ва лингвистика бўйича тадқиқотлар ҳамда фразеологизмларни белгилашнинг дефиницион услубини қўллаган ҳолда шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмлар майдонини қуйидаги микрогуруҳлар асосида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: сезиш (*чаим давондан//кўз югуртирмоқ*), хотира (*ба ҳуш омадан//эсга келмоқ*), фикрлаш (*ба тарозу андохтан//тарозига солиб қўймоқ*), тасаввур (*пешомадро пешакӣ дидан//келажакни олдиндан билиш*), ҳиссиёт (*сар бардошта гаштан//қоматини тик қилиб юрмоқ*), ирода (*ба гап истодан//ўз сўзида турмоқ*), фазилат (*дилаш сафед//оқ кўнгил*)ни ифодаловчи микрогуруҳ. Бу микрогуруҳлар ҳам, қатор таггуруҳларга бўлиниб кетади. Масалан, шахс хусусиятини ифодаловчи микрогуруҳни ростгўйлик (*пўсткаллеша гуфтан//дангалини айтмоқ*), айёрлик (*шираширо пухта хўрдагӣ//илон ёгини ялаган*), кўрнамаклик (*нонро пешпо задан//нон тепкилик қилмоқ*), гайирлик (*бахилӣ кардан//бахиллик қилмоқ*), икки юзламачилик (*дурўягӣ кардан//мунофиқлик қилмоқ*) каби таггуруҳларга бўлиб ўрганилди.

Сезиш микрогуруҳи, атроф-муҳит ҳиссиётларини унинг барча шакллари ва турларида акс эттиради: товуш ва ранг сезиш қобилияти, ҳид ва ҳарорат сезиш қобилияти, катталиқ ва бошқалар. Кўриш қобилиятини ифодаловчи ҳолат тожик ва ўзбек тилларида қуйидаги фразеологик бирликлар орқали ёритилди: *чаим давондан//кўз югуртирмоқ*, *чаимакӣ задан//кўз уруштирмоқ*, *чаим паридан//кўзи учмоқ ва бошқа*.

<sup>1</sup>Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1986. – Б. 55-56; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 100-103; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Т.: Ўқитувчи, 1969.

<sup>2</sup>Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков//Лингвистический сборник. – М., 1952. – С. 198-199.

<sup>3</sup>Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Т.: Маънавият, 2004. – Б.43

Тожик ва ўзбек тилларидаги кўриш ҳиссиётлари таъсир феъллари ёки ҳаракат феъллари мавжуд бўлган лексик тузилмага фразеологик бирликлар орқали етказилади. Кўриш ҳиссиёти кутилмаганда пайдо бўлиши мазмунини етказувчи фразеологик бирликларда лексик таркиб таъсир феъллари мавжудлиги билан тавсифланади: *чашим афтидан//кўзи тушмоқ, ба чашим афтидан//кўзга тушмоқ*. Кўриш ҳиссиётларининг йўқотилиши қуйидаги фразеологик бирликлар билан ифодаланади: *аз чашим гум шудан//кўздан йўқолмоқ, ба чашим нанамудан//кўзга кўринмай қолмоқ*. Қуйидаги фразеологик бирликлар эса, мақсадли тушунилган кўриш ҳиссиётлари мавжуд эмаслиги билан нофаоллик касб этади: *чашмакй задан//кўзини ўйнатмоқ*. Баъзи фразеологик бирликлар кўриш ҳиссиётининг қисқа муддатли эканини билдиради: *назар партофтан//кўз қирини ташламоқ*. Демак, тожик ва ўзбек тилларига хос шахс хусусиятини ифодаловчи ибораларда, асосан кўз лексемаси орқали ифодаланиб, инсон кўриш ҳиссиётларини очиб беришда умумийликка эгадир. Нима бўлганида ҳам, қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирида ўзига хос лингвокультуремаларга эга иборалар мавжуд. *Чашим сиёҳ задан//кўз олди қоронгилашмоқ*-қоронғулик мазмунига эга бўлиб, у одатда ҳеч нарса кўринмаяпти маъносида ишлатилади ва ўз таркибида қоронғулик лингвокультуремасини ифодалайди ёки иши юришмаслиги, тажрибасизлик жараёнини *чашим кофтан//кўзи ўйилди* иборалари номланади.

Эшитиш ҳиссиётларини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг асосий мақсади эшитиш жараёнида амалга оширилаётган мақсад мазмунини белгилаб беради: *гўши касе рост шудан, гўш ба қимор шудан//қулоғи динг бўлмоқ каби*. Таҳлил этилаётган тилларнинг бир қатор фразеологик бирликлари мавжудки, улар эшитишни қисқа вақт рад этиш жараёнини ҳам тавсифлайди: *пардаи гўшаи завс//қулоғини бекитиб олмоқ, қулоғи том битган*, (тожикча *гўшаиба қўрғошим бити кардағй* варианты Самарқанд шеvasида ишлатилади). Мазкур гуруҳдаги фразеологик бирликларнинг бир нечтаси эшитишнинг сусайиши, тиниқлиги мазмунини англатади: *гўши касе тинч шудан//қулоғи тинмоқ*. Кўриниб турибдики, ушбу ибора кулоқ лексемаси орқали узатилаётган эшитиш мазмунини ифодалаб, доимий равишда эшитиш ҳиссиётлари ва уларни қабул қилиш мазмунидаги фразеологик бирликлар таркибида мавжуд. Фақатгина *ба даҳони касе нигоҳ кардан//оғзига қарамоқ* фразеологик бирлигида *оғиз* лексемаси қўлланилиб, у гапириш рамзини англатиб, унинг лингвокультуремаси эшитувчи ҳолатини белгилаб кўрсатади. Иккала тилнинг қуйидаги фразеологизмлари учун умумий бўлган лингвокультурема товушларга нисбатан ҳайвонларнинг ҳаракати устидан кузатувларга асосланиб, қуйидаги фразеологизмлар билан ёритилган: *гўшаи ро парда гирифтан, қари ботил//қулоғи битмоқ, қулоғи динг бўлмоқ* ва бошқа.

Ҳарорат ҳиссиётлари иссиқ, совуқ, ниҳоятда совуқ, қалтираш каби ҳиссиётларда акс этиб, бу ҳолат қиёсланаётган тилларда қуйидаги фразеологик бирликларда ўз ифодасини топади: *буз барин ларзидан//эчкидай қалтирмоқ, офтоб задан//офтоб урмоқ, мағзи устухон сўхта рафтан//эт-этидан ўтиб кетмоқ*. Тожик ва ўзбек тилларига хос ибораларда тери қисми ҳам тасвирланади: *мурғак шудан//эти жимирлаб кетмоқ*. Мазкур гуруҳдаги қатор

фразеологик бирликлар инсоннинг у ёки бу ҳолати билан биргаликда иссиқлик, совқотиш, қалтираш каби тушунчаларни ифодалайди. Тожик ва ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар орасида қаттиқ кўркув, ҳис-ҳаяжонни айнан тиш тақиллаш ҳолати тасвири билан ифодаловчи фразеологик параллеллар борлиги ҳам кузатилади. Келтирилган барча фразеологизмлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, икки томонлама ҳиссиётлар мазмунида келади. Бир томондан, бундай ҳиссиётлар ҳақиқатнинг муайян ҳолатини белгилаб берса, бошқа томондан, организмнинг муайян ҳолатини тасвирлайди. Демак, пайпаслаш ҳиссиётларини ифодалаш билан боғлиқ бўлган фразеологизмлар кўпинча турли соматизмларни қўллайди: бош, юрак, бел, эт, тана, мия, тиш каби. Айнан шу ҳолат, инсон ҳаётида ҳид сезиш қобилияти, кўриш, эшитиш ва умуман, сезишга нисбатан кичик ролга эга. Масалан, *сар ба осмон расидан//боши осмонга етди, дил така-пука шудан//юраги така-пука бўлмоқ, рўйсахт шудан//бети қаттиқ бўлмоқ, ба сар задан//мияга урмоқ, дилаш хун//юраги қон, чашим кушодан//кўз очмоқ.*

Очлик ҳисси мазмуни ҳар икки тилда мавжуд бўлган куйидаги фразеологизмлар орқали белгиланади: *шикам ногора навохтан//қорни ногора чалмоқ, шикам рехтан, шикам рафт//қорин кетди, мисли гурги гурусна//оч бўридай.* Икки тил – тожик ва ўзбек тиллари фразеологизмида оч бўри образи ҳам қўлланилади: *мисли гурги гурусна гаштан//оч бўридай санқимоқ.* Бўрининг очлиги, овчининг иштиёқмандлиги туфайли ов давомида овқат ейишга вақти йўқлигидан юқорида тилга олинган фразеологизмлар асосида лингвокультуремалар яратилган. Мазкур тиллар фразеологизмларида ташналик мазмунида доимий соматизм компоненти, яъни томоқ қўлланилади. Шунингдек, ташналик ҳиссиёти куруқлик семаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин *ҳалқ қоқ шудан//томоғи қуримоқ.* Шу билан биргаликда, қиёсланаётган тиллар фразеологиясида тўйиш ҳиссини билдирувчи фразеологизмлар ҳам мавжуддир: *хук барин хўрдан//чўчқадай емоқ, аз даҳону бини сер шудан//огиз-бурнигача тўймоқ.*

Тожик ва ўзбек тилларида фразеологизмлар инсон чарчаш ҳолатини куйидаги соматизмлар ёрдамида очиб беради: *Оёқ – дар пойҳо қон намондан//оёқларда жон қолмаслик, аз по мондан//оёқдан қолмоқ, дар пойҳо базўр рост истодан//оёқларга аранг тик туриш.* *Кўз – чашмонаш пўшида шудан//кўзлари илинмоқ, чашими бозистод//кўзлари тинмоқ.*

Фразеологизмлар англатган кўчма маънога мувофиқ қўл чарчаш маъносини ҳам ифода этади: Инсон қўл меҳнатидан чарчаган бўлса, бу ҳолат *дасти касе шикастан//қўли синмоқ* ибораси орқали ифодаланади. Мазкур тилларга оид фразеологизмлар чарчаганидан, ҳатто, овқат ҳам ея олмайдиган чарчаган инсон образи орқали ҳам намоён бўлиши мумкин: *мадори хўрокхўрӣ намондан//овқат ейишга мадори қолмаслик.*

Умуман олганда, ушбу фразеологизмлар чарчаш ҳиссиётини ифодалаш жараёни тилларда бир хил, умуминсоний, универсал ҳиссларни намоён этишга қодир. Чарчаш ҳиссини билдирувчи бирликлар, яъни оёқ компоненти фразеологизмлар билан ифодаланиб, оёқнинг чарчашини чўян оғирликка тенглаштиради: *ба пойҳоюш занҷир бастагӣ барин//оёқларига занжир боғлагандай, мадори даҳон кушода намондан//огзини очишга мадори қолмаслик*



ибораси ҳам жуда чарчаган инсон ҳолатини ифодаловчи ёркин бирикма сифатида қўлланади, унинг образли ифодаси сиқилган анор фразеологизмида намоён бўлади. Бу жараёни чарчаган ит қиёфаси билан қиёслаш ҳам ўзига хосдир: *саг барин ҳалакӣ кардан//итдай чарчамоқ, мурданивор меҳнат кардан//ўлғудей ишламоқ, зада кўфтагӣ барин ҳалок шудан//тепиб ургандек чарчамоқ* кабилар.

Тадқиқ этилаётган тилларда бош айланиши орқали жуда чарчаш ҳиссиётини кузатувчи фразеологизмлар мавжуд: *сарчархак шудан//боши айланмоқ*. Бошдаги сочлар ҳаракати эса, фразеологизмларда кучли кўрқув ҳолатини англатади: *мўйи сар рост шудан//тепа сочи тик бўлмоқ*. Мазкур фразеологизмлардаги лингвокультуремалар катта ёки кутилмаган хавф остида кузатиладиган кўрқувга нисбатан акс таъсирга асосланган.

Таҳлиллар кўрсатишича, мазкур гуруҳ фразеологизмлари кўриб чиқиладиган тилларда бир хил образлар орқали дид билан боғлиқ ҳиссиётларни англатади. Бу ҳолат табиийдир, чунки улар тана аъзолари физиологик функцияси умуминсоний тавсифига асосланади.

Икки тил фразеологизмлари лингвокультуремаси, хотиранинг мураккаб жараён сифатидаги тасаввурга асосланади (масалан ечилиши лозим бўлган тугун образида (*хотира тугунини бирма–бир ечиш* ёки *ёпиқ идиш* образи масалан, қозон, сандиқ, қоп) *дафтари хотираро кушодан//хотира дафтарини очмоқ* (барчасини тартиби билан эслаш) *сурфаи дил кушодан* – арзи ҳол қилмоқ маъносида ишлатилади. Фразеологизмда асосий қисмлар мос тушган тақдирда, қисм эркин ва мақсадли тиклашни назарда тутса, улар орасидаги субъектив аспектлар турлича кўринишда бўлади: эркин тикланишда ҳаракат шахси сифатида субъектнинг ўзи бўлади; фразеологизмларда бу кўриниш давъат мазмунида феъл қисми қўлланилишида намоён бўлади: *эсла карда бин//эслаб кўр, фикр карда бин//ўйлаб кўр*. Атроф-муҳитнинг умумлаштирилган акси борасида фикр юритиш қобилияти, инсон куч-қудрати имкониятларида намоён бўлувчи фразеологизмлар умумий мақсадни ифодаловчи тушунчалар орқали тингловчига етказилади: *миешба қуйи кардан//мясига қуймоқ, майнешба қой кардан//мясига жойламоқ*.

Инсоннинг фикр юритиш, хулосага келиш қобилияти қуйидаги фразеологизмларда намоён бўлади: *миешба задагӣ//мясига урган, калдро кор кунонидан//калласини ишлатмоқ*. Мазкур гуруҳ қатор фразеологизмлари лингвокультуремалари, ўлчов мазмунидаги қисмлар орқали бериладиган баҳога асосланади: *ба охираш расидан//охирига етмоқ, ҳафт бор чен карда, як маротиба буридан//етти марта ўлчаб, бир марта кесиш*.

Тожик ва ўзбек фразеологизмлари хилма-хил, аммо шу билан биргаликда умумий тавсифларга ҳам эгадир. Масалан, таҳлил этилаётган икки тил фразеологизмларида, салбий ўхшатишларга эга бўлган унинг бош ҳолати ақлсиз инсонга нисбатан қўлланилади: *калла каду//қовоқ калла, каллаи бўм-бўм//хум калла*. Бундан ташқари, фразеологизмларда инсон пешонаси ҳолати ҳам ёритилиши мумкин: *шўрпешона//пешонааш шўр//пешонаси шўр, пешонааш сахт//пешонаси қаттиқ*. Баъзи фразеологизмлар ақлсиз инсонни ҳайвонлар билан қиёслаш орқали ёритилади: *хук барин бефаросат//чўчқадай бефаросат*,

*гўсолаи аммам//аммамнинг бузоғи.* Фразеологизмларда бундай қиёслаш предметлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин: *хари халахўр барин//тепса тебранмас чўчқадей.*

Фразеологизмлар образли жиҳатидан инсон ақлсизлиги, тарбиясизлиги ҳам ёритади. Ақлнинг мавжуд эмаслиги бошнинг бўм-бўшлиги, яъни бўш лексемаси орқали ҳам кузатилиши мумкин: *каллаиш хоп-холӣ//боши бўм-бўш.* Инсон салбий ақлий қобилиятларига эга фразеологизмлар орасида куйидаги тожик ва ўзбек фразеологизмлари ҳам мавжуд бўлиб, улар инсон ақлий қобилияти патологиясини очиб беради. Шу билан биргаликда иккита тилнинг барчасида инсон нормал интеллектуал ҳолатини ёритувчи фразеологизмлар ҳам мавжуд: *чор мучалаш буд//тўрт мучали бут.*

Тасаввур микрогуруҳига, мансуб фразеологизмлар инсон англаш жараёнининг олий кўриниши бўлган тасаввур қобилиятини ифода этган. Мазкур гуруҳ фразеологизмлари, инсон ижодий фаолиятининг мураккаб жараёнини белгилаб, бу жараён хаёлий образларни яратиш, ҳамда муайян нарсани фикрда тиклашни акс эттиради: *ақл бовар накардан//ақл бовар қилмаслик, аз осмон фаромадагӣ //кўкдан тушган, мурғи давлатро аз даст баровардан//давлат қушини қўлдан чиқармоқ, мисли гурбаи мушро поянда//сичқсон пойлаган мушукдай.*

Тожик ва ўзбек тилларида муҳаббатни ифодаловчи, кўнгил компонентли иборалар фаол қўлланилади: *дил бастан//кўнгил қўйиш, дил канда натавонистан//кўнгилни узолмаслик, дил кашидан//кўнгил тортар, ба дил наздик//кўнгилга яқин, аз дилаш задагӣ//юрагидан урган.* Нима бўлганида ҳам мазкур қисм муҳаббат ҳақидаги фразеологизмларда мавжуд, аммо унинг мазмуни тубида севиб қолган кишининг ақли йўқлиги ёритилади. Масалан, *аз ақл бегона шудан//ақлдан озмоқ, сараиш рафтагӣ//боши кетган, идрок накардан//идрок этолмаслик.*

Шуни таъкидлаш лозимки, нафрат ҳисси билан боғлиқ фразеологизм кўпинча ўзбекча фразеологизмлар орасида шайтон тимсоли учрайдиган иборалар орқали ёритилади: *ба шайтон дарс додан//шайтонга дарс бермоқ, шайтон аз роҳ задан//шайтон йўлдан урмоқ.*

Хафа бўлиш, адолатсиз равишда кўнгилни оғритиш мазмунидаги тушунчалар фразеологизмларда ўз аксини кенг топган: *дил мондан//кўнгил қолмоқ, аз дил бароварда партофтан//кўнгилдан чиқариб ташламоқ, дилро канда гирифтан//юрагини узиб олмоқ.* Метафорик жиҳатдан тожик тилида хафа бўлишлик худди ўзбек тилидаги каби билдирилади. Ўзбек тилида ҳам худди шу метафораларни кузатиш мумкин. Бунда, қушлар ва ҳайвонлар тимсоли асосида хафа бўлишлик ҳиссиётини тақдим этиш маҳсулдор эмаслиги кузатилди.

Тожик ва ўзбек тиллари фразеологизмларида тана қисмларининг образлари асосини эгаллаган лингвокультуремалар кўркув ҳиссиётини намоён этишда анча маҳсулдордир: *ранги касе паридан//ранги учмоқ, дар рангаиш хун намондан//оқариб кетмоқ, рангида ранг қолмаслик.* Ажабланиш ҳиссини англлатувчи фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусияти қиёсланаётган тиллар фразеологизмларида ажабланишнинг ташқи белгилари, хусусан, имо-ишораларида намоён бўлади: *китф дарҳам кашидан//елка силтаб қўйиш,*

*чашимон аз косохонааш баромадан//кўзларнинг косохонасидан чиқиши.* Шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмлар лингвокультуремаларини ажратиш асосида инсон тана аъзоларининг тимсоллари ётади (кўз, қош, елка, тил). Улар мазкур хиссиётларни тақдим этиш, ажабланиш мазмунини билдиради. Мазкур гуруҳ фразеологизмлари ажабланишни акс эттиришда хайрон қолишни ҳам акс эттириши мумкин. Масалан: *забон чарх назадан//тил айланмай қолиши, ба чашм бовар накардан//кўзларига ишонмаслик.*

Шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг структурал-грамматик ва семантик тадқиқи қуйидаги хулосалар билан якунланди:

– нутқнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи ибораларнинг ифодаланиши тарихи анча узок бўлиб, қадимдан донишманд ота-боболаримиз томонидан яратилган;

– тожик ва ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши, бунда фразеологик калькаларнинг ўрни муаммолари махсус кузатишларни талаб қилувчи долзарб муаммолар қаторига киради;

– адъектив, компоратив фразеологик бирликлар ўз таркибида ўзбек тилида “худди” ёки “гўё”, тожик тилида “барин” ёки “мисли” қиёсий компонентига эга бўлиб, бунда асосий компонент сифатида сифатнинг ўзи, боғловчи компонент сифатида от сўз туркуми келади. Иккала тилда тузилишига кўра гапга тенглаштирилган фразеологизмлар учрайди. Бундай тузилишдаги фразеологик бирликлар икки тилнинг субъект тавсифини беради. Мазкур фразеологик бирликларнинг асосий қисми содда гап тузилишига эга бўлади. Иккала тилда буйруқ маъносидаги содда гаплар ҳам алоҳида гапга ажратилган.

Умуман олганда, структур-грамматик таҳлил, ўрганилаётган фразеологик бирикмалар, ўхшашлигидан далолат беради, бу ҳолат тожик ва ўзбек тилларида деярли бир хил тарзда намоён бўлади. Бу эса икки тилнинг барча соҳалари қатори фразеологизмлар юзасидан қиёсий-типологик таҳлиллар ўтказиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

